УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ЧУСТ ТУМАНИ ХОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAMANGAN VILOYATI
CHUST TUMANI HOKIMINING

QARORI

717200, Чуст шахри, М.Фаязов кучаси, 1.

717200,Chust shahri M.Fayozov ko`chasi, 1.

2008 йил «10» 12 Чуст шахри № 1917

Туман худудидаги айрим ахолии пунктларини шахарчалар тоифасига киритиш тугрисида

«Узбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини узгартириш масалаларини хал этиш тартиби тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига мувофик, Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги «Узбекистон Республикаси ахоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-120-сонли, шу хакдаги вилоят хокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли карорларига асосан хамда туман худудидаги кишлок фукаролар йигинлари раисларининг илтимосномаларини куриб чикиб,

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Кишлок фукаролар йигинлари раисларининг туман худудидаги номлари иловада курсатилган айрим ахоли пунктларини шахарчалар тоифасига киритиш тугрисида илтимосномалари макуллансин ва халк депутатлари вилоят Кенгашига илтимоснома такдим этилсин.

2. Туман хокимининг биринчи уринбосари А.Абдуллаевга

- вилоят Кенгашига такдим этилаётган кишлок ахоли пунктларини шахарчалар тоифасига киритиш учун руйхатдан утказиш натижаларига кура иловада номлари курсатилган кишлок ахоли пунктларини шахарчалар тоифасига киритилаётган худудларни уз белгиларига кура «Узбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларига ном бериш ва уларнинг номларини узгартириш масалаларини хал этиш тартиб тугрисида»ги Узбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига асосан зарурий хужжатларни тайёрлаш;

- кишлок ахоли пунктларини шахар посёлкалари тоифасига киритиш чогида врачлар, провизорлар, урта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун ахоли пунктларининг макоми узгартирилган кундан бошлаб, 5 йил мобайнида кишлок жойларида амалда булган мехнатга хак тулаш шартлари саклаб колиниши, улар пенсияга чикканда ушбу тоифадаги шахсларга уй-жой, коммунал хизматлар хакини тулаш буйича хар ойлик компенсация пул туловларини тайинлаш чогида мазкур давр иш стажига кушилишини назорат килиш вазифалари топширилсин.

3. Мазкур карорни тасдиклаш халк депутатлари вилоят Кенгашидан суралсин.

Туман хокими Б.Юсупов

Расмий хужжатлар учун